

Суѓурта бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди



Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль куни суѓурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Суѓурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Жорий йилнинг олти ойида суѓурта ташкилотлари томонидан йиғилган суѓурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суѓурта тушуми ахоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суѓурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суѓурта тармоғида 887 миллиард сўм суѓурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда мижозларга тўланган суѓурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир.

Йиғилишда Молия вазирлиги хузуридаги Суѓурта назорати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилди.

Соҳага назоратчи эмас, илгор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суѓурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис ушбу инспекцияни тугатиб, Суѓурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этиш таклиф қилинди. Мутасаддиларга суѓурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгacha ахоли жон бошига тўғри келадиган суѓурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилди.

Аввало, ахоли ва тадбиркорларнинг суѓуртага ишончини ошириш зарурлиги таъкидланди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суѓурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суѓурта ходисасини адолатли

баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шугулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илгор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш хақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари бунга пухта тайёргарлик кўриш, тиббий хизматларининг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш кераклигини таъкидлади.

[ЎзА](#)